



20 20у « 3 » июль

№ Қ-311

« ___ » _____ 20__ г.

**Термиз тумани “Гулбахор” маҳалласи
худудидан “Улгуржи Универсал Барака”
МЧЖга “Молхона биноси”ни қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/323-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 11 июндаги 01-08/247-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/323-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Гулбахор” маҳалласи худудидан “Улгуржи Универсал Барака” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 160қ-дала контуридаги жами 2,0 гектар яйлов ер майдони “Молхона биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Улгуржи Универсал Барака” МЧЖ “Молхона биноси”ни қуриш мақсадида ажратилаётган ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 23 355 040 (йигирма уч миллион уч юз эллик беш минг қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов